



**O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI VETERINARIYA VA CHORVACHILIKNI
RIVOJLANTIRISH DAVLAT QO'MITASI RAISING
BUYRUG'I**

«26» 04 2021 yil.

№ 43-4/2

Toshkent sh.

**Ўзбекистон Республикаси Вазирлар
Маҳкамасининг 2021 йил 3 апрелдаги
179-сон қарори ижроси тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Аҳоли ва тадбиркорлик субъектларига кўрсатиладиган давлат хизматлари тўғрисида маълумот бериш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2021 йил 3 апрелдаги 179-сон қарори ижросини таъминлаш мақсадида

БУЮРАМАН:

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Аҳоли ва тадбиркорлик субъектларига кўрсатиладиган давлат хизматлари тўғрисида маълумот бериш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2021 йил 3 апрелдаги 179-сон қарори раҳбарлик ва ижро учун қабул қилинсин.

2. “Давлат ветеринария органлари ва муассасаларида давлат хизматларини кўрсатиш бўйича ишонч телефонларининг фаолиятини ташкил этиш тартиби тўғрисида”ги Низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. Қўмигада давлат хизматларини кўрсатиш бўйича ишонч телефонлари 71-202-12-00 (ички 201), 71-276-01-18 рақамлари этиб белгилансин.


4. Озиқ-овқат маҳсулотлари хавфсизлиги ва ташхис ишлари бошқармаси (С.Хасанов) ва Ветеринария фаолиятини лицензиялаш ва мувофиқлаштириш бошқармаси (М.Юсупов) кўрсатилган давлат хизматлари тўғрисидаги маълумотларни ҳар ойнинг 25 санасига қадар Жисмоний ва юридик шахслар мурожаатлари билан ишлаш бўлимига умумлаштириш учун тақдим этиб борсин.

5. Масъуллар ишонч телефонлари бўйича ўз фаолиятларини Ўзбекистон Республикасининг “Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида”ги Қонуни, Вазирлар Маҳкамасининг “Аҳоли

ва тадбиркорлик субъектларига кўрсатиладиган давлат хизматлари тўғрисида маълумот бериш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори, Қўмитанинг “Давлат ветеринария органлари ва муассасаларида давлат хизматларини кўрсатиш бўйича ишонч телефонларининг фаолиятини ташкил этиш тартиби тўғрисида”ги Низоми ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга мувофиқ ташкил этсин.

6. Ушбу буйруқ ижросини назорат қилишни ўз зиммамда қолдираман.

Раис



Б.Норқобилов